



ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА ЯНГИ АВЛОД БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

и.ф.н., проф. **Азларова Азиза**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0002-4873-7998

a.azlarova@tsue.uz

Аннотация. Мазкур мақолада иқтисодий ўзгаришлар шaroитида янги авлод банк хизматларини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Банклар томонидан рақамли трансформация шaroитида янги авлод банк хизматларини замонавий молиявий технологиялар орқали кўрсатишнинг амалиёти таҳлил қилинган. Мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклиф ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк, янги авлод банк хизматлари, молиявий технологиялар, молиявий оммабоплик, банк, депозит, кредит, онлайн микроқарз, рақамли трансформация, мижоз, молиявий саводхонлик, мобил технологиялар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ БАНКОВСКИХ УСЛУГ НОВОГО ПОКОЛЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ

к.э.н., проф. **Азларова Азиза**

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы совершенствования банковских услуг нового поколения в условиях экономических преобразований. Проанализирована практика предоставления банками услуг нового поколения с использованием современных финансовых технологий в условиях цифровой трансформации. В результате проведённых исследований по теме выявлены существующие проблемы и разработаны практические предложения и научные рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: банк, банковские услуги нового поколения, финансовые технологии, финансовая инклюзия, банк, депозит, кредит, онлайн-микрозайм, цифровая трансформация, клиент, финансовая грамотность, мобильные технологии.

IMPROVING NEW GENERATION BANKING SERVICES IN THE CONTEXT OF ECONOMIC CHANGES

PhD, prof. **Azlarova Aziza**

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article examines the issues of improving next-generation banking services in the context of economic transformations. The practice of providing next-generation banking services through modern financial technologies under conditions of digital transformation is analyzed. As a result of the research conducted on the topic, existing problems were identified, and practical proposals and scientific recommendations for their elimination were developed.

Keywords: bank, next-generation banking services, financial technologies, financial inclusion, bank, deposit, credit, online microloan, digital transformation, client, financial literacy, mobile technologies.

Кириш.

Иқтисодий тизимларнинг жадал трансформацияси, хусусан рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши, молиявий инклюзиянинг чуқурлашуви ва банк секторида рақобатнинг орта бораётгани анъанавий банк хизматларини кўрсатиш моделларини тубдан қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Янги технологик парадигмалар шаклланиб бораётган ҳозирги шароитда тижорат банклари рақамли молиявий технологиялар ҳамда интеллектуал ахборот тизимларига асосланган янги авлод банк хизматларини жорий этишга мажбур бўлмоқдалар.

Жаҳон банки томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари молиявий инновацияларнинг аҳолининг кам даромадли қатламларига тегишли молиявий талаб ва эҳтиёжлар ўртасидаги катта фарқни қисқартиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Хусусан, мазкур қатламнинг ривожланишга оид эҳтиёжлари йилига 3,9 трлн АҚШ долларида ортиқ ташқи молиялаштиришни талаб этаётган бўлса, амалда тақдим этилаётган молиялаштириш ҳажми 1,4 трлн доллар атрофида эканлиги аниқланган (WB, 2023).

Бундай диспропорция рақамли ва мижозга йўналтирилган иқтисодиёт шароитида инновацион банк хизматларини ривожлантиришнинг илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқиш заруратини кучайтирмоқда ва ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Бу эса рақамли иқтисодиёт шароитида ва мижозга йўналтирилган инновацион банк хизматларини ривожлантиришнинг илмий асосланган ёндашувларини ишлаб чиқиш заруратини белгилайди ҳамда ушбу тадқиқотнинг долзарблигини асослаб беради.

Адабиётлар шарҳи.

Банклар ва банк хизматларини ривожланиши назариясига хорижлик бир қатор иқтисодчи олдимлар ўз хиссаларини қўшишган. Хусусан, Бергер (1995), Корнилова (2013) ва Лучко ва Никитина (2024) каби иқтисодчи олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Маҳаллий илмий адабиётларда иқтисодиётни трансформациялаш шароитида янги авлод банк хизматларини такомиллаштириш муаммолари кўплаб маҳаллий олимлар: Эрдонаев (2025), Умарова (2025), Хусанов, Мамадияров (2022), Гаипов (2021) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Хорижлик иқтисодчи олдимлар Лучко ва Никитинанинг (2024) тадқиқотларида “Трансформациянинг биринчи босқичи автоматлаштирилган банк тизимлари (АБТ) ва телекоммуникация тармоқларини жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, улар ҳисоб-китоб-

касса хизматларини электрон шаклга ўтказиш имконини берди. "Банкоматлар, масофавий банк хизматлари тизимлари ва пластик карталарнинг пайдо бўлиши аста-секин хизматларнинг географик чегараларини бузиб, "anytime-anywhere banking" моделига ўтиш учун замин яратди" деб изоҳланади.

Маҳаллий муаллиф Кенжаевнинг (2021) фикрича, "сўнгги йилларда Ўзбекистонда банк инновацияларини жорий этиш стратегик аҳамият касб этиб, кредит ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишига айланди. Рақобатнинг кучайиши, айниқса, корпоратив сегментда, банкларни инновацион ечимларни фаолроқ ўзлаштиришга ундайди. Аҳолининг географик тарқоқлиги ва анъанавий банк инфратузилмасининг жисмоний жиҳатдан чекланганлиги ҳатто чекка ҳудудларни ҳам қамраб олишга қодир бўлган рақамли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда."

Эрдонаев (2025) ўз тадқиқотларида "рақамлаштириш Ўзбекистон банк-молия соҳасини трансформация қилишнинг асосий йўналиши мақомини олиб, нафақат соҳани ички янгилаш омили, балки умуман иқтисодий ўсишнинг чегаравий имкониятлари индикатори сифатида намоён бўлмоқда. Моҳиятан, банк тизимининг рақамли етуклик даражаси миллий иқтисодиётнинг глобал технологик ўтиш чақириқларига мослашиш қобилиятининг инъикосига айланмоқда."

Фикримизча, бундай позиция республикада барқарор ўсиш, рақобатбардошликни ошириш ва молиявий инклюзияни кенгайтиришнинг асоси сифатида стратегик рақамлаштиришнинг муҳимлигини тасдиқлайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрларини умумлаштириб, шунини таъкидлаш мумкинки, замонавий олимлар янги авлод банк хизмаларининг ривожланишини инновацион технологиялар, истеъмолчилар хулқ-атворининг ўзгариши ва банкларнинг ролини қайта кўриб чиқишга асосланган рақамли трансформация натижаси сифатида кўрадилар.

Бизнинг фикримизча, янги авлод банк маҳсулотлари миқдорнинг рақамли муҳитига интеграциялашган, юқори даражадаги шахсийлаштириш, тезкорлик ва фойдаланиш имкониятига эга бўлган ҳамда автоматлаштириш, таҳлилий алгоритмлар ва экотизим ўзаро таъсирига таянган ҳолда фойдаланувчиларнинг жорий ва башорат қилинган эҳтиёжларини фаол қондиришга қаратилган интеллектуал-технологик молиявий ечимлардир (Муаллифлик таърифи).

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида янги авлод банк маҳсулотларига қаратилган умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, замонавий босқичда банк сектори трансформацияси ва ривожланишини такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакиллари иқтисодий қарашлари, уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Замонавий банк назариясининг долзарб вазифаларидан бири – инновацион маҳсулотларнинг илмий асосланган таснифини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бунда фақат янгиликларнинг шакли ва мазмуни эмас, балки уларнинг молиявий институт учун стратегик аҳамиятини ҳам инобатга олиши лозим. Таснифлаш ёндашувларининг хилма-хиллиги инновацияларнинг кўп қаватли табиати билан боғлиқ: улар технологик, ташкилотчилик, маркетинг ва сервис даражасида намоён бўлиши мумкин. Бу эса уларни тизимлаштиришда бошқарув, рақамли технологияларга таянган ҳолда комплекс ёндашувни талаб қилади.

Қуйида келтирилган 1-жадвалда асосий янги авлод банк хизматлари турлари тизимлаштирилган бўлиб, бу ерда уларнинг функционал мақсадини, тақдим этилиш усуллари ва муайян истеъмолчи сегментларига йўналтирилишини белгилайдиган асосий хусусиятлар асосида таснифланган.

1-жадвал

Янги банк маҳсулотларининг таснифи

Таснифлаш мезони	Янги банк маҳсулотлари турлари	Қисқача тавсиф
Банк маҳсулотининг мақсадли йўналиш бўйича	- Депозит - Кредитлар - Ҳисоб-китоб-касса - Инвестицион	Мижозларнинг пул маблағларини жалб қилиш, жойлаштириш ёки трансформация қилишга қаратилган
Банк маҳсулотининг мижозга йўналтирилиши бўйича	- Жисмоний шахслар учун - Юридик шахслар учун - VIP мижозлар учун - Ёшлар ва нафақадагилар учун	Маҳсулотлар муайян мижоз сегменти эҳтиёжларига мослаштирилган
Банк маҳсулотининг янгилиги даражаси бўйича	- Тамоман янги - Модификацияланган, ўзгартирилган - Аралаш маҳсулотлар	Мутлақ янги хизматлар ҳамда мавжуд ечимларнинг такомиллаштирилган вариантларини ўз ичига олади
Банк маҳсулотининг тақдим этилиш усули бўйича	- Анъанавий (филиалда) - Масофавий (онлайн-банк, мобил иловалар орқали)	Банкнинг мижоз билан ҳамкорлик канали билан белгиланади
Банк маҳсулотининг рақамлаштириш даражаси бўйича	- Рақамли маҳсулотлар (тўлиқ онлайн) - Анъанавий маҳсулотлар - Гибрид шакллар	Финтек ечимлар ва технологияларни жорий қилиш даражасини акс эттиради
Банк маҳсулотининг иқтисодий моҳияти бўйича	- Актив (кредитлаш) - Пассив (депозитлар) - Комиссияли (ҳисоб-китоб ва воситачилик)	Маҳсулотнинг банк даромадларини шакллантиришдаги ролини акс эттиради
Банк маҳсулотининг муддати бўйича	- Қисқа муддатли - Ўрта муддатли - Узоқ муддатли	Мижоз томонидан маҳсулотдан фойдаланиш вақтини кўрсатади
Банк маҳсулотининг шахслаштириш даражаси бўйича	- Оммавий (стандарт) - Индивидуал (персоналлашган)	Маҳсулотнинг муайян мижозга мослаштирилган даражасини кўрсатади

Манба: жадвал муаллиф томонидан ишланган.

Таснифлаш мезонлари мижозларнинг эҳтиёжлари ва ўзаро таъсир каналлари билан боғлиқ ташқи параметрларни ҳам, маҳсулотнинг инновационлик даражаси, иқтисодий моҳияти ва технологик етуқлик даражасини акс эттирувчи ички жиҳатларни ҳам қамраб олади.


Ҳозирги кунда банк экотизими олдида янги ва мураккаб муаммо турибди, сунъий интеллект технологиялари, дастурий таъминот провайдерларидан фойдаланишда катта ҳажмдаги тизимлашмаган маълумотларнинг мавжудлиги. Бу ўз навбатида замонавий, ўзаро интеграциялашган тизимлар платформаси ва сунъий интеллектдан самарали фойдаланишга қаратилган банк архитектурасини шакллантириш заруратини оширади.

Бу жараённинг аниқ қандай кечишини башорат қилиш қийин, шунга қарамай,

келажак муайян маънода ўтмиш тажрибаларига асоланади. Яъни, банклар мослаштирилган дастурий архитектураларни таҳлил қилиб, уларни ўзларининг индивидуал эҳтиёжларига самарали мослаштириши зарур. Бунинг натижасида юқорида келтирилган замонавий тенденциялар, рақамли трансформация, сунъий интеллектдан фойдаланиш ва мижозга йўналтирилган янги банк маҳсулотларини кўламини кенгайтириш имконини яратади.

Шу билан бирга, ҳар бир инновация ўз навбатида банк хатарларини ҳам оширади ва тизимни мураккаблаштиради, бу эса банкларнинг ишончилиги ва барқарорлигига таъсир кўрсатади. Ахборот технологияларининг ривожланиши ҳамда банк соҳасида тармоқ усулларининг кенгайиши кредит ташкилотлари капиталидаги таваккалчиликни бошқаришда сифатли ўзгаришларни жорий этишни ҳам тақозо этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда, банк тизимида давлатнинг устун мавқеи, банкларнинг турли давлат дастурлари ва корхоналарини молиялаштириш учун воситачи сифатида фаол жалб қилиниши натижасида банк тизимида йирик тижорат банкларининг тармоқдаги замонавий талабларга мувофиқ трансформация жараёнларида ортда қолиши, корпоратив бошқарув стандартлари, ахборот технологиялари маҳсулотлари, активлар ва пассивларни бошқариш, муаммоли кредитлар даражасининг юқори еканлиги, кредит портфелининг диверсификация даражасининг пастлиги, мижозлар билан алоқа қилиш бўйича замонавий усулларни амалиётга жорий қилишда кечикиши каби муаммолар вужудга келмоқда.



1-расм. Муомалага чиқарилган банк карталари сони ҳақида маълумот (млн. та) (forbes, 2025)

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси[10] қабул қилинган, унга мувофиқ бир қанча асосий чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг асосий мақсади мижозларга эътибор қаратиш орқали уларнинг янги банк хизматларига қизиқишларини оширишдан иборат. Ушбу чора-тадбирлар орасида:

банк секторини реструктуризация қилиш, шу жумладан, бир қатор банкларни давлат назоратидан босқичма-босқич чиқариш;

банк мижозларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

халқаро маслаҳатчилар билан биргаликда банкни трансформация қилиш дастурини ишлаб чиқиш;

жараёнларини автоматлаштириш;

маълумотлар базаларини ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини кенгайтириш.

Масалан, жисмоний шахслар солиқлар ва уй-жой коммунал хизматларини тўлаш имкониятига ега бўладилар;

истеъмолчилар қониқиш индекси (CSI), шунингдек, истеъмолчиларнинг


содиклиги индекси (NPS) асосида банк хизматлари сифатини баҳолаш тизимини жорий этиш.

Юқорида келтирилган чора-тадбирлар натижасида республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан 2025 йил 1 январ ҳолатига кўра, 50,51 миллион банк картаси чиқарилган.

Банклар томонидан 426,22 минг тўлов терминали, шунингдек, 29,9 минг банкомат ва инфокиоск ўрнатилган. 2024 йилда банк карталари орқали тўлов терминаллари орқали амалга оширилган айланма 326,73 трлн сўмдан ошган. (1-расм)

Шунингдек, иқтисодиётда ҳисоб-китоб инфратузилмаларининг рақамлаштирилиши ҳамда аҳоли орасида нақдсиз тўловларнинг оммалашиб бориши, бир томондан, банк карталарига келиб тушаётган маблағлар ҳажмининг ошишига, бошқа томондан эса ушбу маблағларни нақдлаштириш операцияларининг қисқариш тенденциясининг кучайишига олиб келмоқда.

Хусусан, республикамизда 2024 йилда банк карталарига тушган маблағлар 2023 йилга нисбатан 244,7 трлн сўмга ёки 31 фоизга ошган. Шунга қарамай, банк карталаридаги маблағларни нақдлаштириш ҳажми 19,4 фоизга ошиб, 225,9 трлн сўмни ташкил этган бўлса ҳам, банк карталарига тушган маблағларни нақдлаштириш даражаси 2023 йилдаги 24,0 фоиздан 2024 йилда 21,8 фоизгача камайган (2-расм.)



2-расм. Банк карталаридан нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси (Hisobot, 2024)

Бу кўрсаткичлар рақамли тўловлар ва нақдсиз операциялар ривожланиши орқали иқтисодий фаолиятдаги трансформацияни ва аҳолини янги авлод банк хизматлари билан қамраб олиш ҳамда уларнинг молиявий фаолиятининг рақамли каналларга интеграцияланиши ривожланаётганлигини акс эттиради.

Ҳозирда, ахборотлашган жамият тез суръат билан шаклланиб, ахборот маконида дунё бўйлаб, ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киберхужумлар амалга оширилиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ҳар сонияда дунёдаги ҳар 12 нафар инсондан бири кибермайдонда содир этилган хужумлар қурбонига айланади. Хусусан, АҚШ, Франция, Англия, Бельгия, Германия ва Люксембург каби давлатларда кибержаиноятчилик кўрсаткичи умумий жиноятчиликнинг 60–65 фоизини ташкил қилиши аниқланган. (cбу.uz, n.d.)

Экспертларнинг ҳисоб-китобича, киберхужумларнинг асосий қисми махфий маълумотларни қўлга киритиш, уларни ўзгартириш ёки йўқотиш, фойдаланувчилардан пул талаб қилиш ҳамда бизнес жараёнларини издан чиқаришга қаратилган. Бунинг натижасида дунё иқтисодиёти йиллик ўртача 20 миллиард АҚШ долларида ортиқ зарар кўрмоқда.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йил ичида кибержаиноятлар 8,3 баробарга кўпайиб, умумий жиноятчиликнинг 5 фоизини ташкил қилмоқда. Жумладан, кибермайдонда фирибгарлик билан боғлиқ ҳолатлар 13 баробар, ўғрилиқ 20 баробар, товламачилик,

тахқир ва ҳақорат қилиш билан боғлиқ жиноятлар эса 4,9 баробарга ошган.

Таҳлилий маълумотларга кўра, республикада кибержаиноятчиликнинг айрим турлари, жумладан, ноқонуний банк-молия операциялари орқали бошқаларнинг пластиков картадаги маблағларини ўзлаштириш, фойдаланувчи ишончига кириб унинг номига онлайн микрокредит олиш, вирусли дастурлар орқали компьютерларга хужум қилиш, бошқаларнинг шахсий маълумотларини тарқатиш ва онлайн савдо майдонида фирибгарлик қилиш каби жиноятлар ортиб бормоқда.

Республикамизда, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда замонавий жаҳон стандартларини инобатга олган ҳолда 2022 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. (lex.uz, 2022)

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 20 январда Cyber University давлат университетини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни имзолаган. Янги олийгоҳга ахборотни ҳимоя қилиш, ахборот ва киберхавфсизлик, рақамли технологиялар ва рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект асосида автоматлаштирилган ахборот-таҳлилий тизимлар яратиш, робототехника ва турдош соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Киберхавфсизлик ва маълумотлар ҳимоясини кучайтириш орқали республика банк тизимида хавфсизлик соҳасида янги ечимлар, жумладан, биометрик аутентификация ва нол-ишонч (zero-trust) архитектуралари ривожланади.

Ҳозирда, Марказий банк томонидан банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларнинг олдини олиш, шунингдек фирибгарлик схемаларида жисмоний шахсларга тегишли ҳисобварақлар ва банк карталари иштирокини камайтириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, банклар томонидан бир жисмоний шахсга (бир ЖШШПРга) расмийлаштирилиши мумкин бўлган карталар сони (виртуал ва кобейжинг карталарини ҳисобга олган ҳолда) вақтинчалик равишда чекланган:

- бир банк доирасида 5 тагача,
- барча банклар бўйича жами 20 тагача.

Ушбу тартиб банк сегментида хавфларни камайтириш, тўлов инфратузилмасида шаффофликни таъминлаш ва киберхавфсизликни кучайтиришга хизмат қилиши белгиланган.

Хулоса ва таклифлар.

Янги авлод банк маҳсулотларининг моҳияти ва таснифини аниқлаш бўйича назарий ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатдики, илмий адабиётларда у ёки бу банк хизматларининг инновационлигини баҳолаш мезонлари бўйича ягона позиция мавжуд эмас.

Тадқиқот парадигмасига қараб, асосий эътибор ёки функционал янгиликка, ёки рақамлаштириш даражасига, ёки бозор самарасига қаратилади. Шу муносабат билан банк хизматларини рақамли етуқлик даражаси, мижозлар билан ўзаро муносабатлар шакли ва технологик интеграция даражаси бўйича таснифлаш зарур. Бундай тизим тез ўзгарувчан технологик муҳит шароитида банк маҳсулотларини табақалаштириш ва ушбу таснифдан стратегик ва операцион бошқарувда фойдаланиш имконини яратади.

Иқтисодий ўзгаришлар шароитида янги авлод банк хизматларини такомиллаштириш масалаларига оид тадқиқотларда хорижий тажрибани умумлаштиришган ҳолда, замонавий банк тизимларида хизматлар сифати ва самарадорлигини баҳолаш тобора кўпроқ молиявий кўрсаткичлар доирасидан ташқарига чиқиб, хулқ-атвор ва рақамли мезонларни ҳам ўз ичига олаётганлиги маълум бўлди ва шу билан бирга, BSC моделлари, KPI тизимлари, рақамли индекслар ва мижозлар мамнунияти кўрсаткичлари таҳлил воситаларининг энг муҳим

элементларига айланганлиги аниқланди.

Шу билан бирга, мавжуд ёндашувларнинг аксарияти алоҳида жиҳатларга йўналтирилган бўлиб, замонавий янги авлод банк банк хизматларининг барча асосий ўлчовларини кенг қамраб олишга имкон бермайди ва бу борада кўплаб илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Банк тизимида янги авлод банк хизматларини кўрсатишда инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Уларни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

Банк мижозлари ўртасида банкнинг янги авлод банк хизматларидан фойдаланиш бўйича тушунтириш ва тарғибот ишларини кенгайтириш, ҳамда мижозларнинг бу хизматлардан фойдаланишдаги билим ва кўникмаларини ошириш;

Халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган самарали рақамли технологияларни республикамиз банклари амалиётига жорий этишни кенгайтириш, чекка ҳудудларда коммуникацион инфратузилмани янада ривожлантириш;

Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш, шу билан бирга, банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётини тартибга солиш учун ҳуқуқий ва ташкилий асосларни такомиллаштириш.

Ушбу чора-тадбирлар банклар томонидан янги авлод банк хизматларини рақамли технологиялар орқали кўрсатишнинг самарали ва хавфсиз жорий этилишини, шунингдек банк мижозлари ва тизим хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар / Literature/References:

Abbott, M. (2025) Top 10 Trends for Banking in 2025 — The Future Is Back. Forbes. Available at: <https://www.forbes.com/sites/michaelabbott/2025/01/13/top-10-trends-for-banking-in-2025--the-future-is-back/>

Azlarova, A. (2021) 'Osobennosti razvitiya bankovskoy sistemi Respubliki Uzbekistan na sovremennom etape', *Economics and Innovative Technologies*, 11(5), pp. 1–7. Available at: <https://scholar.google.com>

Berger, A.N. (1995) 'The Relationship between Capital and Earnings in Banking', *Journal of Money, Credit and Banking*, 27, pp. 432–456. <https://doi.org/10.2307/2077877>

Markaziy bank (n.d.) Bank statistikasi. Available at: <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/2122799/>

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni (2020) 2020–2025 yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida. PF-5992-son, 12 May. Toshkent.

O'zbekiston Respublikasi Qonuni (2022) Kiberxavfsizlik to'g'risida. O'RQ-764-son, 15 April. Available at: <https://lex.uz/docs/5960604>

World Bank (2023) Innovative strategies to finance sustainable development. Available at: <https://www.worldbank.org/en/news/feature/2023/04/13/innovative-strategies-to-finance-sustainable-development>

Гаупов, Ж.Б. and Хаитбаева, Н.И. (2021) 'Трансформационные процессы в банковской системе Республики Узбекистан', *Academic research in educational sciences*, 2. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/transformatSIONnye-protsessy-v-bankovskoy-sisteme-respubliki-uzbekistan>

Кенжаев, М.Г. (2021) 'Инновационная модернизация банковского сектора Республики Узбекистан в условиях глобализации', *Бюллетень науки и практики*, 7. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnaya-modernizatsiya-bankovskogo-sektora-respubliki-uzbekistan-v-usloviyah-globalizatsii>

Корнилова, Е.Ю. (2013) 'Новый банковский продукт: понятие, виды,

классификация', КЭ, 8(80). Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/novyy-bankovskiy-produkt-ponyatie-vidy-klassifikatsiya>

Лучко, А.Д. and Никитина, Т.В. (2024) 'Цифровая трансформация в банковской сфере', Известия СПбГЭУ, 3(147). Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-transformatsiya-v-bankovskoy-sfere>

Мамадияров, З.Т. (2022) *Raqamli transformatsiya sharoitida masofaviy bank xizmatlarining metodologik asoslarini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati*. Toshkent: 80 b. Available at: <https://diss.natlib.uz/>

Умарова, М.Б. (2025) *O'zbekistonda banklar transformatsiyasi metodologiyasini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati*. Toshkent: 77 b. Available at: <https://diss.natlib.uz/>

Эрдонаев, А.Х. (2025) *Raqamli iqtisodiyot sharoitida tijorat banklarini transformatsiyalash jarayonlarini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati*. Toshkent: 66 b. Available at: <https://diss.natlib.uz/>